
Тадбиркорга 29,5 млн. сўм ҳақи ундириб берилди

Бюронинг Ўзбекистон тумани бўлими иш юритувида бўлган ФИБ Ўзбекистон туманлараро судининг 27.09.2021 йилдаги қарздор Ш.Б.дан ундирувчи "F.V.m.t" МЧЖ фойдасига 29.485.914 сўм қарздорликни ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича қарздор Ш.Б. давлат ижрочиси томонидан бир неча марта огохлантирилишига қарамасдан, қарзини тўлашдан бўйин товлаб келган.

Давлат ижрочиси томонидан қарздор Ш.Б.нинг мол-мулкларини хатлаш юзасидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздор 24.08.2022 йил куни ундирувчи "F.V.m.t" МЧЖ тадбиркор фойдасига 29.485.914 сўм қарзини тўлиқ тўлади ва ижро ҳужжати амалда тамомланди.

Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон туман бўлими

2022-08-29 10:13:53